

PAPER

АСТРОНОМИЯ ТАЪЛИМИНИ ГУМАНИТАРЛАШТИРИШДА ТАРИХИЙЛИК ПРИНЦИПНИНГ АҲАМИЯТИ

Дадабоева Ферузахон Олимжоновна¹, *

¹ҚўқонДУ физика ва астрономия кафедраси доценти

* dadaboeva@gmail.com

Abstract

Ушбу мақолада физика ва астрономия фанининг тарихий материалларга бойлиги ва улардан унумли фойдаланиш таълимнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини бажаришда кучли омил эканлиги кўзда тутилган.

Key words: гуманизм, таълимнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи аспекти, таълимни гуманитарлаштириш, гуманитар потенциал, мустақил таълим, тарихийлик принципи.

Табиий фанлар (астрономия)ни ўқитиш бўйича кўп йиллик тажрибалардан келиб чиқиб, ишонч билан шуни айтиш лозимки, табиий фанларни ўқитишни гуманитарлаштириш да тарихийлик принципини қўллаш жуда катта самара беради. Ўқитиш жараёнида тарихий материаллардан кенг фойдаланиш ҳисобига таълимнинг тарбиявий аспекти кескин жонлантиришга эришиш мумкин. Айниқса бу масалада ўқувчиларда илмий дунёқарашни, ахлоқни, ватанпарварликни, байналминалликни тарбиялашда тарихийлик принципи алоҳида ўрин тутаяди [1. С.24–26].

Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган тарихий материаллар ўқитилган предмет мазмуни билан бевосита боғлиқ бўлиб, схема, фотография, олимлар маълум ҳодиса ҳақидаги баёни, формуллари, чизмалари, даврининг баёний тасвири, олимларнинг иш шароити, айрим кашфиётлар тарихий ғоялар кураши кўринишида бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда ўқувчиларда кучли таассурот қолдирадиган, уларда кучли эмоционал ҳис-ҳаяжонларни кўзгата оладиган тарихий материаллар ичида олимларнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ биографик маълумотлар эътиборга молик бўлиб, ўқувчи шахсининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. "Таниқли шахснинг ахлоқий фазилатлари, – дейди буюк физик А. Эйнштейн, – бу авлод ва тарихнинг бутун курси учун фақат интеллектуал ютуқлардан кўра муҳимроқдир"[2. С. 116].

Олимнинг қиёфасини, технология шаклини очиб бериш, албатта, у ишлаши керак бўлган муайян шароитларга эъти-

бор бериш керак. Тарихий воқеани шундай ёритиш керакки, ўқувчилар ҳаммадан олдин буюк инсонлар англаб етган, қилинган вазифаларнинг моҳияти ва кашфиётларнинг аҳамиятини тушуниб етсинлар [3. С.14-15].

Тажрибалар шуни кўрсатадики, тарихий материаллардан фойдаланганда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

1. Дарс вақтида бериладиган тарихий ахборот миқдори минимал бўлиши керак;
2. Фойдаланиш кўзланган тарихий материаллар дарсда ўрганилган мавзу билан чамбарчас боғланган бўлиши керак;
3. Хабар қилинган тарихий фактлар ёрқин, таъсирчан, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак; улар ўқувчиларнинг маълум ҳис-туйғуларини уйғотишга сабаб бўладиган тарзда танланиши керак (тасдиқлаш, қоралаш, ҳайратланиш, қувонч, ғазаб ва бошқалар). Бунда одатда ахлоқий ҳис-туйғулар ва эътиқодлар фаолроқ уйғонади ва шаклланади;
4. Тарихий материални шундай тақдим этиш мақсадга мувофиқки, ўқувчи муҳим қарор қабул қилиш асносида ўзини олим ўрнига қўйишга мажбур бўлиши керак; бу унга олим ҳаётининг бир парчасини ақлан яшаб, воқеаларга шерикдек бўлишга имкон беради;

Шуни унутмаслик керакки, олимлар ҳаётининг асосини илмий изланиш ташкил этади. Бинобарин, унинг изланишларида одамийлиги гавдаланади. Шунинг учун ҳам тарихий материаллар танланаётганда олимнинг ижодий йўлига, илмий фаолиятининг анализига алоҳида эътибор бер-

моқ лозим. Ўқувчиларда бу тўғрида тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун олимларнинг ижодий фаолияти — машаққатли меҳнат эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек ҳақиқий олимлар учун яна бир умумий хусусият бўлиб, у олимнинг фақат маълум фан бўйича билимлари доираси билан чегараланмай, умуман унинг маънавий бойлиги, интеллект, дунёқараши, санъат ва сиёсатга муносабати билан белгиланади. Улар атрофдагиларга нисбатан бефарқ бўлмай, инсондаги эмоционал ҳис-туйғулар уларга бегона эмас, улар учун адабиёт, санъат ва барча гуманитар фанлар ўзлари иш-лаётган аниқ фанлар билан бир қаторда туради. Бундай кенг эрудицияли олимларнинг ҳаёти ва ижодида ўқувчиларни ҳартарафлама тарбиясининг барча соҳалари учун намунавий хислатларнинг мавжудлиги ва ибратга лойиқ элементларга бойлиги билан муҳимдир.

Ўқитишда тарихийлик принципини амалга оширишда Ўрта аср Шарқ алломалари, жумладан Марказий Осиё олимларининг ҳаёти ва илмий ижодида оид маҳаллий материалларнинг ўқитиш мазмунидан кенг ўрин олишига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим [4. С. 21-25.].

Бу борада, айниқса, мамлакатимиз худудларида таваллуд топган ва ижод этган Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Беруний, У.Хайём, Улуғбек, Ж.Коший каби ўрта асрнинг дунёга танилган алломалари ҳақидаги ҳаётий лавҳалар ва очерклар, уларнинг осмон жисмларининг (биринчи навбатда-Кўёш, Ой ва планеталар) ҳаракатлари, Оламнинг тузилиши ва самовий жисмларнинг физик табиатлари тўғрисидаги илмий қарашлари, ўқувчиларда табиий фанлар, жумладан, астрономия асосларига катта қизиқиш уйғотишини ўқитувчи унутмаслиги лозим.

Ватанимиз олимларининг ҳаёти ва илмий мерослари ҳамда дунё фанини ривожлантиришдаги уларнинг хизматлари билан ўқувчиларни таништириш, уларда миллий ғурурни, ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Мактаб астрономия курсида Ватанимиз астрономиясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олимлар талай топилади. Булар ичида ўрта асрлар шарқ ва Ўрта Осиё олимлари ҳам катта эътиборга ўрин тутаяди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки агар олимларнинг туғилган ёхуд яшаб ижод этган жойлари ўқувчиларга яқиндан таниш ёки улар яшаб ўқиётган жойлари билан алоқадор бўлса, тарихийлик принципи асосида уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича катта эффективликка эришиш мумкин бўлади. Ўрта Осиё республикалари мактабларида ал-Хоразмий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Насриддин Тусий ва Улуғбек обсерваторияси ходимларининг ҳаёти ва илмий фаолияти билан яқиндан таниш бўлган ўқитувчи, астрономия курсининг мос мавзуларида мазкур олимларнинг ҳаёти, назарий характердаги ишлари, улар ишлаган расадхоналарнинг кузатиш асбоблари ва бу асбобларда олинган натижалар билан ўқувчиларни таништириб, бу фанни ўқитишда катта ютуғларни қўлга киритиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, табиий фанларни, хусусан физика, астрономия фанларининг ўқитиладиган мазмунидан ўрин олган унга таниш шахслар, олимлар ва таниқли инженер, экспериментаторлар ҳаётидан лавҳалар, бошқача айтганда, бу ўқув предметлари мазмунининг шу каби лавҳалар билан йўғрилган мазмуни унинг гуманитар потенциалини ташкил этиб, улардан амалда фойдаланиш, ўқитиладиган фан мазмунини гуманитарлаштириш дейилади. Гуманитарлаштирилган фан мазмунини дарсларда реализация қилиш, ўқувчиларда айнан бу фан асосларига қизиқтириш, уни ўрганишга мотивлар уйғотиши билан муҳим факторлар саналади. Бироқ бу осон иш бўлмай, ҳар қандай фан ўқитувчисининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун ўқитувчидан фан тарихидан етарлича кўп маълумот, иқтидор, талай билимлар заҳираси ва ўқувчини ҳайратлантира олиш ва ажаблантира олиш каби маҳорат талаб этилади. Агар дарсларда бу икки фактор оптимал ҳолатда йўғрилганда-

гина кўзланган мақсад амалга оширилиб, ўқитиш жараёнининг эффектив куролига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мамадазимов М.М., Дадабоева Ф., Гуманизация естественно-научных дисциплин—один важных принципов образования. — Ж.:Таълим,фан ва инновация—№2,2015. С.24–26
2. Эйнштейн А. Физика и реальность. — М., 1965. С. 116.
3. Королев Ю.А. Нравственное воспитание учащихся на историческом материале – Физика в школе №1. 1999. С.14-15
4. Мамадазимов М. Принцип историзма как средство гуманитаризации астрономического образования// Педагогик таълим. – 2001. № 4. С. 21-25.